

Туркистон

Элим деб, юртим деб



ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 4 октябрь, чоршанба. №77-78 (14360)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Харбий ва муқобил хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни мuddатли харбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида.

“Умумий харбий мажбурият ва харбий хизмат тўғрисида” ва “Муқобил хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Харбий ва муқобил хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан захирага бўшатилин.

2. 1973-1982 йилларда туғилган, чақириқ мuddатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2000 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида мuddатли харбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 сентябрь

Ислохот чечаклари

ЁШ, АММО БОШ ТАДБИРКОР

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида 276 кичик корхона, 420 деҳқон фермерлар хўжалиги фаолият юритиб келмоқда. Туман тадбиркорлар палатаси раҳбари Йўлдош Қиличевнинг таъкидлашича, 2000 йилнинг биринчи ярмида ишбилармон ва тадбиркорларни қўллаб-қуватлаш мақсадида 43 нафар фуқарога 3,5 миллион сўм имтиёзли кредит берилган.

Тумандаги энг ёш ва ишнинг кўзини билладиган тадбиркор деб 19 ёшли Хамид Султонов эътироф этил-

ди. Нукус Давлат университети иқтисодиёт факултетида сиртдан таҳсил олаётган бу йигит ўтган йили “Шоҳруҳ” фирмасини ташкил қилган эди. Фирманинг 25 нафар ишчиси асосан ришт ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошлади. 1999 йилнинг ёз мавсумида 500 минг дона ришт қурилиш ташкилотлари ва аҳолига сотилган эди. Айни кунларда ҳам бу харидоргир маҳсулотга талаб жуда юқори. Шунини инобатга олиб, фирма раҳбари келаси мавсумда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2 миллион донага етказишни

мўлжалламоқда. Бундан ташқари, яқинда фирма қошида кулолчилик цехи ҳам иш бошлади. Халқ амалий санъати намуналари бўлиш-миллий идиш-товоқлар бозори ҳам чаққон.

Ёш тадбиркорнинг орзулари мўл. “Эндиги режамиз шиша ишлаб чиқариш технологиясини жорий этишдир,” - дейди Хамид Султонов биз билан сўхбатда.

Алишер ПОЛВОННИЁЗОВ, “Камолот” жамғармаси Элликқалъа туман бўлими раиси

МУСТАҚИЛЛИК КАШФ ЭТГАН ЮЛДУЗ



1. Олимпиада чемпиони унинг онаси аэропортда кутиб олди.
2. Бўлажак Мухаммадқодирлар.

Абдувоҳид ТУРАЕВ (Уза) олган сурат

ХУРСАНДЛИК МАҲАЛЛАСИ... БУТУН ЎЗБЕКИСТОНГА ХУРСАНДЛИК БАХШ ЭТДИ

Анджоннинг Хурсандлик маҳалласига том маънодаги, бош харф билан айтса арзийдиган Хурсандлик ва Тантана кириб келди.

Ҳа, маҳалладан Олимпия чемпиони чиқади-ю, хурсандлик бўлмайди! Шу кун нафақат Хурсандлик маҳалласи, нафақат Анджон, балки бутун Ўзбекистон радио ва телевизор ёнида интиқ эди. Кўп ўтмай хушxabар келди: Мухаммадқодир чемпион бўлибди! Қалбларимиз чексиз-чегарасиз қувончга тўлди, хар бир ўзбекнинг бўйи шу кун омон қадар ўсди, десак муболага бўлмас! Ҳа, Мухаммадқодир мустақил Ўзбекистоннинг биринчи ёзги Олимпия олтин медалини кўлга киритди!

Шу кун нафақат Хурсандлик маҳалласида, балки бутун Анджонда катта байрам бўлиб кетди. Мухаммадқодирларнинг хонадонидан эса эртаю кеч меҳмонларнинг қадами узилмади. Унлаб таниш-нотаниш кишилар чемпионнинг отаси, оддий шофёр Мухаммадқодир акани, уй бекаси Маҳфизатхон аяни, рафиқаси Марҳабони чин дилдан қутлаб, қучоқ-қучоқ гуллар тақдим этдилар. Шундай мард ўғилни тарбиялаб етиштирганлари учун офаринлар айтдилар.

Ушбу галабаси билан Мухаммадқодир боксда кўлга киритиш мумкин бўлган барча унвонларга эга бўлди. Лекин у олдинда яна қанча юксаклик бўлса, ҳаммасини эгаллашга қодир, чунки у ўз номи ўзи билан қодир. Юрагидидаги ўт, қўлидаги куч, белидаги қувват шундан далолат бериб туради.

Олимпия чемпиони биринчилардан бўлиб мамлакатимиз Президентини Ислом Каримов табриклади. Президент Мухаммадқодир Абдуллаевни бутун ўзбек халқи, спортчиларимизнинг галабасига сидқидилдан ишонган барча ватандошларимиз билан биргаликда Олимпия уйинларида кўлга киритган улкан галабаси билан самимий табриклади.

Сидней олимпиадасида боксчиларимиз учта медал - Мухаммадқодир Абдуллаев олтин медални, Сергей Михайлов ва Рустам Саидов бронза медалларини кўлга киритишди.

“Туркистон-пресс”

ЁШ ХУНАРМАНДЛАР МАСКАНИ

А.Хўжаев номидаги Республика тасвирий ва амалий санъат билим юртида ёш истеъодлар И.Ивалиева ва Павел Цойнинг асарлари кўргазмаси очилди.

— Бу ерда бугунги кунда қадимий хунармандчилик турларининг санъат даражасига кўтарилган ганчкорлик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, кулолчилик сир-асрорлари ёш авлодга ўргатилиб, улар ўтмиш меросимизга меҳр-мухаббат руҳида тарбияланмоқда. — деди билим юрти раҳбари Шоносир Муродов. — Керакки билимни эгаллаб, уни амалиётга қўллаш ҳамда кенг мушоҳада қилиш — бадий хунар эгаси учун ойдан йўлди.

1997 йилда республика Президентининг “Ўзбекистон Ба-

дий академиясини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонидан кейин ушбу ўқув даргоҳи академия тасарруфидида тасвирий ва амалий санъат билим юртига айлантирилди. 1989 йилда эса билим юрти республика ўқув юртлири орасида биринчи бўлиб ЮНЕСКО рўйхатига киритилди.

Ёш хунармандларнинг хар томонлама камол топиши учун бу ерда ҳамма шароитлар муҳайё. Мавжуд расом-ганчкор, металлга ишлов берувчи, попопчи-тикувчи, рассом-заргар, бадий ёғоч ўймакорлиги, рассом-либосчи, мебел лойихалаш, рассом-наққош, рассом-кулол каби мутахассисликлар бўйича тақрибли ва истеъодли мураббийлар ёшларга таълим бермоқда.

“Туркистон-пресс”



Ёшлар — маърифатли халқимизнинг ўзаги, келажак буюк давлатимизнинг таянчи. Маънавий-ахлоқий юксалиш ҳам, ижтимоий-сиёсий ривожланиш ҳам кечаётган жараёнларда жамият хар бир аъзосининг, хусусан ёшларнинг фаол иштирокига боғлиқ.

Ўзбекистон фарзандлари, ёш-йигит қизларимиз меҳр-оқибатли, меҳнатсевар, ватанпарвар, зарур бўлиб қолганда Ватан ва халқ учун кўксини қалқон қилишга тайёр, хар қандай муаммоларни ҳал қила оладиган қудратли ва бунёдкор куч. Фақат уни тўғри йўналтириб билиш, улуг ишларга сафарбар эта олиш, ёшларимизни катта ва эзгу мақсадлар билан яшашга ўргатиш, бунинг учун эса, энг аввало, уларда ўз салоҳиятига ишонч пайдо қилиш зарур.

Ёшлар — маърифатли Фармони билан “Камолот” жамғармаси ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида жамғарма ташкилий-таркибий жиҳатдан асосан шаклланиб бўлди. Бугунги кунда жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар бўлимлари, 250 га яқин туман ва шаҳар бўлимлари, корхоналар ва ўқув муассасалари, жамоа хўжаликларидан эса 15965 жамоатчилик марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Жамғарманинг асосий вазифаси — фаолият диалектикаси ёш авлоднинг хар томонлама камол топиши, чўқур билим, касб эгаллаши, юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилятларини шакллантириш, истиқлол ишини изчил давомчилари бўлиб етишишларида ёшларни она-Ватан ва умумбашарий қадриятларга садоқат руҳида ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, буюк ота-боболаримизга муносиб тарзда камол топтириш ишида кўп қиррали ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Жамғарма ёшларнинг турли қатламлари орасига кириб бориш учун йўл қидириб, турли кўрик-танловлар, мусобақалар, учрашувлар, давра сўхбатлари, семинарлар, илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келмоқда. Аммо, бир аччиқ

ҳақиқатни тан олиб айтиш керакки, бу каби тадбирлар чўқур ва теран мазмундан кўра кўпроқ шаклий-ифодавий қурилишга эга. Аксарият ҳолларда эса айрим муҳим саналарда номигагина, яъни ҳисоботлар учун уюштирилаётган мажлисларга айланиб қолмоқда.

Шу боисдан ҳам, “Камолот” ёшларимизнинг ягона етакчи ташкилоти бўлса-да, минг-минглаб йигит-қиздаримизнинг ўқиш, ишлаш, моддий-маиший муаммолари ечимини топишда ҳал қилувчи кучга айлана олмайди. Барча қатламда-

танпарварлик ҳиссини, эл-юрт ва истиқлолга садоқат туйғуларини жўш урдирган “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!” фестивал-харакатини ўтказишда ташаббускор бўла олмайди.

Ёшлар ташкилотларидаги камчиликлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов томонидан 1999 йил 14 апрелда Биринчи қақриқ Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида, 1999 йил ёзида давлатимиз раҳбарининг Сурхондарё вилоятига сафари чоғида алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

ЁШЛАР — БУНЁДКОР КУЧ

Уни тўғри йўналтириб билиш, юксак мақсадлар йўлида сафарбар эта олиш зарур

Пухта ўйланган, узокни кўзлаган фаолият дастури йўқлиги боис Президентимизга, халқимизга таянч бўлишдек улкан салоҳиятга эга ёшларимизнинг ягона ташкилоти бўлиш “Камолот” жамғармаси ёш йигит-қизларни айрим ҳолларда эскилик сарқитларидан, баъзи ўринларда эса “янгилик” қиёфасидаги бало-қазолардан асрай олмайпти. Ёшларни ўз ортидан эргаштириш учун эса ёшларга хос ташаббускорлик, дадиллик, қатъийлик, янгиликка интилувчанлик, жасорат каби фазилятлар етишмайди.

Ягона дастур мавжуд эмаслиги сабабли ёшлар масаласи билан боғлиқ вазифаларни мунтазам равишда рўйбга чиқарадиган мустахкам механизм шаклланимаган. Бор бўлса ҳам кўнгилдагидек ишламайди. Бир сўз билан айтганда бундай яросиз механизм алоҳида ислохот ўтказишга муҳтож. Жамғарманинг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари, жамоатчилик марказлари, жойлардаги ўзига хосликлардан келиб чиққан ҳолда, аниқ фаолият дастурига эга бўлишлари зарур. “Камолот”га интилган, унга қизиққан

уларнинг на ўрни бор, на таъсири сезилади. Чекка-чекка қишлоқларда “Камолот”нинг ташкилотчилиги ва ташаббуси билан ўтказилган бирон-бир тадбирни эслай олмаимиз. Барча тадбирлар асосан пойтахтда, вилоят марказлари, кўп борса туман ёки шаҳар марказларидан нарига ўтмайди.

“Камолот” ёшларга хар жиҳатдан етакчилик қилишдек низомий мақсадида чекиниб, маблағ топишни ўзининг асосий вазифаси қилиб қўйгани учун ҳам халқимиз орасига кириб бора олмайди. Албатта, маблағ зарур.

Аммо, маблағ топиш асосий мақсад эмас, у олдимизга қўйган юксак ва эзгу мақсадларга етишимизда восита бўлмоғи лозим, холос. Барча ёшлар давлатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари. Уларнинг муаммоларини ҳал этиш учун давлатимиз етарли маблағ ажратаётганини, бундан кейин ҳам бу оиёсат изчил давом этишини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Биргина жамғарма топган маблағ билан эса, гарчи миллионлаб сўмларни ташкил этса-да, ёшларнинг барча муаммоларини тўла ечишнинг имкони йўқ. Жам-

ғарманинг қатор туман бўлимлари раҳбарлари ҳатто маош олмай ишлаётганликларини қандай изохлаш мумкин?

Ёш кадрларни тайёрлаш, уларни турли шароитларда чиниқтириш, бошқарув органлари ва халқ хўжалиги учун етук, малакали мутахассислар етиштириб беришда катта мақтаб вазифасини ўташи лозим бўлган ёшлар ташкилоти, минг афсуски, “қоғозбоз” ва “мажлисбоз” расмий маҳкамавий идорага айланиб қолганидан, бу ерда “оддий ходимлар”дан кўра “раҳбар”лар кўпайиб кетганлигидан кўз юмаолмаймиз.

Сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда жиний ҳаракатларни содир этишда ёшларнинг “ҳиссаси” камайиш эмас, ўсиш суръатига эга. Бу жиноятлар асосан 15 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар томонидан содир этилмоқда. Улар орасида ҳеч қачонда ишламайдиган, ўқимайдиган 16-17 ёшдаги йигит-қизлар, ҳатто мактаб ўқувчиларининг борлиги аччиқ ҳақиқат. Жиноятчиликка, гоҳ-гоҳ бўлса-да, қалбик чиқаётган диний асосдаги ёки динни ниқоб қилган қарашларга қарши курашишда жамғарманинг ўрни сезилмапти.

Жамғарма қошидаги “Ёшлар институти”да айрим ёшларнинг турли жиноят қўчаларига кириб қолаётгани, баъзи бир ёшларимизнинг эса ўз Ватани, ҳатто ота-онаси-

га қарши руҳда тарбияланиб қолишари бора-сида ҳеч бир тадқиқот ўтказилмаган, зарур ҳулосалар чиқарилмаган.

Табъир жоиз бўлса, мазкур институтининг фаолияти фаолиятсизликдан иборат бўлиб қолмоқда.

Мафқуравий кураш тобора кескинлашиб бораётган бир шароитда “Камолот” ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш, уни ватанпарварлик туйғуларини билан тўлдирининг янгидан янги усулларини излаши, ёш авлоднинг ёруғ ва юксак мақсадлар сари эргаштириши, бу курашнинг энг олдинги сафида бўлмоғи керак эмасми?!

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлари “Камолот” жамғармасининг наватдан ташқари кенгайтирилган йиғилишида ана шулар ҳақида сўз борди. Жамғарманинг ўтган йиллардаги фаолияти ифтоқлича тахлил қилинди. Келгусида қилинадиган ишлар белгилаб олинди.

Юртбошимиз 1999 йил 16 февраль — машъум террорчилик воқеаси рўй берган кун “Эртанги кунимиз мана шу ёшларнинг қўлида, ёшларнинг ҳаракатида, ёшларнинг қалбидан, керак бўлса, қудратидан” деган эдилар. Бошлаган улуг ишларимизнинг давомчилари бўлиш салоҳиятини, илмли ёшларимиз кучига таялиб, халқимиз буюк келажагимизни барпо этишга шубҳа йўқ.

Салим АШУРОВ

"НИХОЛ" — АЙЛАНАЖАК АЗИМ ЧИНОРГА

Осмонида мусаффолик, заминида осудалик ҳукмрон юртга ҳар қанча куй-қушиқ, тўй-томоша ярашади. Юрт аҳли эзгу-мақсадлар билан ёниб яшаса, ҳалол меҳнат билан банд бўлса, ўз санъаткорларини, ҳофизу бахшиларини ҳам эъзозлаб-ардоқлайди.

Кунни кеча ўтган "Нихол" мукофоти совриндорлари — ёш санъаткорларни тақдирлаш маросими бутун мамлакатимизда ўзига хос санъат байрамига айланди. Халқимизнинг қалбидан чуқур жой олди.

Ҳар нарсанинг ҳам биринчиси алоҳида эсда қоларли

музыка фестивали. "Замин юлдузлари" танлови, шу йилнинг сентябрь ойи охирида ўтган II Халқаро симфоник музика фестивали... Санокни кўп давом эттириш мумкин.

Бу фестиваллар ва мукофотлар орасида "Нихол"нинг ўрни бўлакча. Боиси — "Нихол" она-Ватанимиз, жонажон хал-

ЁШЛАР САНЪАТИ БАЙРАМИ

бўлади. Юртбошимиз ташаббуслари билан Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги арафасида ташкил этилган "Нихол" мукофоти ёш санъаткорларни қўллаб-қувватлашдек эзгу мақсади билан ҳаётимиздан, кўнглимиздан ўз ўрнини топди.

Фан ва маданиятни, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, айниқса ёш санъаткор ва ижодкорларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг асосий тамойилларидан биридир. "Офарин" танлови, "Зулфия" мукофоти ва бошқа шу каби эътирофлар фикримизнинг яққол далилидир.

Мустақиллик йилларида биргина кўшиқ ва музика санъатини қўллаб-қувватлаш борасида бир талай эзгу ишлар амалга оширилди. Анъанага айланган "Шарқ тароналари"

қимизни, ёшларимиздаги ватанпарварлик туйғусини ёшларга хос шиддат, жасорат ва кўтаринкилик билан қуйлаётган ёш санъаткорларга муносиб кўрилди.

Бундай эътибор ва эъзоздан руҳланган ёш санъаткорларимизнинг халқимиз ёдида қоладиган, ёшларимизнинг тилига тушадиган янгидан-янги куй-қушиқлар, рақслар яратишларига ишонамиз. "Нихол"нинг яна бир аҳамияти ва қадри шундаки, бу мукофот санъат оламига эндигина тепоя қилиб кириб келаётган кўпдан-кўп ёш ижодкорларни янада илҳомлантиради. Тер тўкиб ижод қилишга ундайди.

Бугунги нихоллар униб-ўсиб, азим дарахтларга айланишига ишонамиз.

Содиқ СУЛТОН

ИШОНЧ — ЮКСАК МУКОФОТ

Нилуфар САИДОВА:

— Ўзбек халқига озодликдай олий бахтни, тинч ва фаровон турмушни тақдим этган Юртбошимизнинг бугун биз ёш овозларга кўрсатаётган эътиборлари чексиз. "Нихол" мукофотининг илк совриндори бўлиш мен учун катта бахт.

Бу йил мен учун омадли йил бўлди. Дастлаб Нихол, яъни қизим Нозимахоннинг туғилиши оиламизга катта шодлик келтирди. Сўнг, мана бу мукофот. Қизим — нихолимни ҳам Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қиладиган, эл қорига камарбаста фарзанд қилиб ўстираман.

Тоҳир СОДИКОВ:

— Мен ҳаётимда биринчи мартаба мукофот олаётганим учун ҳам унинг қадри бўлакча. Менга берилган эътиборни қадрлайман. Ватанимиз ёшларига омад ёр бўлсин!

Дилшод НАЗАРОВ:

— "Нихол" истеъдодли ёшларнинг энг олий соврини, деб биламан. Дунёнинг барча мамлакатларида Ўзбекистон номини баҳоли қудрат тараннум қиламан. Ўзбек куйларини ижро этаман. Куйлар дунё халқларини бир-бирига яқинлаштиради. Бегонани танишга, танишларни дўстга айлантиради.

Дилфуза РАХИМОВА:

— "Нихол" мукофоти биз ёш санъаткорларни ҳақиқий ижодга, изланишга сафарбар этади. Президент ва халқ ишончидан энг улуг ишонч! "Нихол"ни асраб авайлашга, уни бақувват дарахт қилиб улғайтиришга бор кучга йратимни сарфлайман. Мукофотлар муборак, азиз "Нихол" совриндорлари!

Гулшод АБДИЕВА:

— "Нихол" соврини билан тақдирлаган Юртимиз раҳбарига, санъатсевар халқимизга ташаккурлар айтаман. Ёшларга ишонч, эътибор, санъат аҳлига ҳурмат ва эҳтиром фақат бизнинг юртимизда, бизнинг халқимиздагина шундай кучлидир.

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ЮЛДУЗЛАР

Ёрқин нур соғади

Яқинда пойтахтимиздаги муҳташам "Халқлар дўстлиги" саройида иқтидорли ёш санъаткорларга "Нихол" мукофоти топширилди. Ҳақиқий байрамга айланиб кетган бу тадбир санъаткорларни, улар қаторида санъат шайдоларини ҳам бирдек хурсанд қилди.

Азиза ИЛҲОМОВА — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси:

— "Нихол" соврини ҳали бизга нотаниш бўлган юлдузларни кашф этди. Анна Гузаирова, Дилшод Назаров, Гулшод Абдиева... Улар эндигина санъат оламига кириб келаётган келажаги порлоқ юлдузлар. Биз ёшлар айнан шу "Нихол" мукофоти орқали уларни яқиндан танидик. Ижодлари билан танишдик. Юртимизда шундай иқтидорлилар кўпчилигига ишонаман.

Мавжуда ЖҲРАЕВА — Ўзбекистон Миллий Университети талабаси:

— Бу рағбат санъат гунчаларининг очилишига туртки бўлади. Бу ташаббус ёш "нихол"ларнинг қад кўтаришига тиргақ бўлиб хизмат қилади.

Аниқки, эзулик йўлида қилинаётган ҳар қандай иш тарих саҳифаларидан ўрин олғай...

Феруза ЭГАМОВА — Ўзбекистон Миллий Университети талабаси:

— Самарали ижоди билан каттаю кичикнинг кўнглига кириб бора олган, тўғрироғи инсонларни фақат эзгуликка бошлайдиган ёш ижодкорлар шундай рағбатга муносибдир.

Санъат деб аталган катта оламга кўнгиларга чўқ солиб, олов бўлиб кириб келган истеъдодли совриндорларга миллионлаб мухлислар бахт ва омад истайдилар.

"Туркистон" муҳбири
Зиёда АШУРОВА тайёрлади

МИНТ БУР МАЪНО

Мен дам олиш кунини "Нихол" мукофоти совриндорларини тақдирлаш тантаналарини ойнаи жаҳон орқали кўриб ўтириб, шундай мукофотни таъсис этганларга ҳам, шундай тадбирни уюштирган ташкилотчиларга ҳам кўпдан-кўп "раҳмат"лар айтдим.

Чунки бу мукофот кўплаб яхши, пурмаъно, ватанпарварлик руҳидаги, ёшларимиз жўр бўлиб қуйловчи қушиқлар яратилишига замин яратади.

Менга мукофотнинг кўриниши, яъни рамзи айниқса ёқди. Дунё инсон қафтига сиғади, деган ота-боболаримиздан қолган ҳикмат бор. Бу қафт гўёки дунёни, Ер шарини, Ватанимизни, халқимизни, ёшларимизни, ёш санъаткорларимизни турли бало-қазолардан ҳимоялаб, уларга паноҳ бўлиб турибди. Бу ҳимоячи Президентимиз, Халқимиз, Ва-

танимиздир.

Кафтарлар учмоққа шайланаётган оқ кабутарларга ўхшайди. Оқ кабутар — тинчлик рамзи. Кабутарларнинг парвози куй-қушиқнинг, яхши ният, эзгу мақсадларнинг юксак ва хур парвозидир.

Икки қафт ўртасидаги нихол халқимиз ардоғидаги санъат ва ёш санъаткорлар. У кўешнинг ҳаётбахш нуридан, мусаффо тонларнинг оқ шабнамидан куч-қувват, озиқ олиб, униб-ўсгусидир.

Шахло ТҲРАЕВА

Севара НАЗАРХОН:

— "Нихол" совринини олганимдан мамнунман. Бу мукофот "Нихол" деб муносиб номланган. Халқ, Ватан бизни ўз заминиде экилган ёш "навнихолларимиз" деб ишонч билдирган экан, юртимиз санъатининг чаман-боғларини улкан бўстонга айлантириш учун меҳнат қиламиз.

Иззатулла ИБРОХИМОВ:

— "Нихол" мукофоти совриндорлари сафида борлигимдан хурсанд бўлдим. Юртимиз мустақиллиги бундан тўққиз йил олдин заминимизга экилган нихол эди. Санъатимиз боғига илк "Нихол"ларни қадаш мақсадида бизга ушбу совринни беришган экан, ҳар дақиқада бу эътиборни унутмаган ҳолда ўз кучимиз, истеъдодимизни янада юксакроқ намойн этишга бел боғлаймиз.

"СЕТОРА" ГУРУҲИ:

— "Нихол"нинг совриндори бўлиш қувончимизга қувонч қўшди. Меҳнатимизнинг ушбу совринга лойиқ кўрилгани учун авваламбор халқимизга, муҳтарам Президентимизга миннатдорлик билдираман. "Нихол" соврини бизни янада гўзал қушиқлар яратиб, ўзбек санъати ривожини учун ҳисса қўшишга чорлайди. Бу, нафақат биз учун, балки халқимиз, ёшларимиз учун берилган мукофот.

НИХОЛ

Шаббодадек тебранаи тўйиқ,

Айланади севиш қўшиққа.

Куй сеҳридан майин гайқалиб,

Нихол кўзун тикар урғиқа.

Осмон қадар етмоқда боши,

Шодлик борми бундан зиёда.

Шу нихола гилор бўлишдан

Ортинқ бахт йўқ энди дунёда.

Шоди ОТАМУРОД

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОРЛИ ЭЛНИНГ ЭРТАСИ ЁРУФ БЎЛГАЙ

МУЯССАР РАЗЗОКОВА — Ўзбекистон Халқ артисти:

— "Нихол" мукофоти ёшларимиз меҳнатини қадрлаш, уларга ишонч билдириш маъносида ташкил этилган. "Нихол"га лойиқ деб топилган бу ёшлар ўз устида тинимсиз ишлайдиган санъаткорлардир. Уларга омад кулиб бокаверсин!

БОБОМУРОД ХАМДАМОВ:

— Мукофотга лойиқ топилганлар ҳақиқатдан ҳам ҳаракатчан, куй-қушиқни қадрлайдиган ёшлар. Мен "Нихол" совриндорларини чин дилдан қутлайман.

Саҳифани тайёрлашда "SHADISO" фотостудияси суратларидан фойдаланилди.

Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан ҳар томонлама алоқаларни мустақамлаш ташқи сиёсатимизнинг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бунга сабаб мазкур мамлакатларнинг ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқлигидан эмас, балки чуқур тарихий илдизлар, маданий ва маънавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимизнинг муштарак тақдирга эга бўлганлигидир. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов 1995 йилда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида бу ҳақда, жумладан, шундай деган эди: "... отаюртимиз Туркистон - катта бир уй, буюк бир рўзгор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзгор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади. Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳим ташкил қилиш - бугунги куннинг энг долзарб масаласидир".

қардош мамлакат билан алоқаларни янада мустақамлаш эди. Маълумки, Туркманистон бетафарқ давлат мақомига эга. Шу сабабли ҳеч қандай шпифоқларга қўшилмайди. Аммо бу ҳол икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришга монелик қилмайди. Ҳозиргача Ўзбекистон билан туркманiston ўртасида 60 дан ортиқ қўшма ҳужжатлар имзоланган. Туркманистон биздан қишлоқ хўжалик машиналари, ўғитлар, кимё саноати маҳсулотлари сотиб олмақда. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам зарурий хомашё ва саноат маҳсулотларини харид қилмоқда. Ўзаро савдо-сотиқ ҳажми ўтган йилдаги нисбатан 2,5 баравар кўпайганлиги ҳам ҳамкорлик даражаси юксалиб бораётганидан далолатдир.

лар амалга оширилмоқда. Аммо бу етарли бўлмапти. Шу сабабли Президентимиз яқинда БМТнинг «Мингйиллик саммити»да сўзлаган нутқида БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Дастури ҳомийлигида Орол ҳамда Орол-бўйи муаммоларига оид Кенгаш тузишни так-

Инсонпарварлик тамойили ХАЛҚ НАФРАТИ — ОЛИЙ ЖАЗО



Ватанимиз ўзи танлаган мустақил демократик, ҳуқуқий, дунёвий давлат қуриш йўлидан дадил қадам ташлаётган пайтда, афсуски, Мустақиллигимизни кўра олмайдиган қораниятли кимсалар учраб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиний жавобгарликдан озод этиш тўғрисида"ги Фармони кўнгли ўқик онахонлар, қадди буқик отахонлар жонига яна оро кирди. Юртбошимиз томонидан террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, оғир жиноятлар содир этмаган, ота-онаси бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечирини ният қилган шахсларга яна имконият берилди. Ҳаётда ҳамма қарама-қаршилик бўлган. Лекин ҳеч қачон, ҳеч бир замонда ўз Ватанига хиёнат этишга уринганларга шафқат қилинмаган. Давлатимиз раҳбарининг авф тўғрисидаги Фармонга имзо чекиши эса халқимиз ва Юртбошимиз бағрикенглиги, кечиримлигининг яна бир исботидир.

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

бирлик доирасида эндиликда Давлатлараро кенгаш ишлаб турибди, ҳамдустлик дастурларини рўйбга чиқариш бўйича ижроия кўмитаси, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки фаолият олиб бораёпти. Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси, Оролни асраш халқаро жамғармаси маданият ва экологияга оид кўплаб тадбирларни амалга оширмоқда.

лан Туркманистон ўртасида 60 дан ортиқ қўшма ҳужжатлар имзоланган. Туркманистон биздан қишлоқ хўжалик машиналари, ўғитлар, кимё саноати маҳсулотлари сотиб олмақда. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам зарурий хомашё ва саноат маҳсулотларини харид қилмоқда. Ўзаро савдо-сотиқ ҳажми ўтган йилдаги нисбатан 2,5 баравар кўпайганлиги ҳам ҳамкорлик даражаси юксалиб бораётганидан далолатдир.

лиф қилди. Қирғизистон билан дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги икки битим 1991 йил 14 мартда Уш шаҳрида имзоланган эди. 1996 йил декабрда Қирғизистон Президентини А.Акаевнинг мамлакатимизга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида абадий дўстлик ҳақида шартнома имзоланди. Эндиликда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатлар барқарор ривожланмоқда.

Меҳнат инсонни улуғлайди ТАШКИЛОТ МАҚОМИ ЎЗГАРГАЧ...

"Қўриққурилиш" очик ҳиссадорлик жамияти раиси Фафур Мейлимурадov билан суҳбат

— Сиз раҳбарлик қилиб келаётган "Баҳористонқўриққурилиш" трести бундан уч йил аввал очик ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Ҳўш, ташкилотнинг мақоми ўзгаргандан кейин қандай ўзгаришлар рўй берди? — Ҳўш, ташкилотнинг мақоми ўзгаргандан кейин қандай ўзгаришлар рўй берди? — Ҳўш, ташкилотнинг мақоми ўзгаргандан кейин қандай ўзгаришлар рўй берди?



қурилиш бошқармаси буюртмасига кўра, Косон ва Муборак туманларидаги қурилиш объектларида ишляпмиз. Айни пайтда Косон тумани марказида 900 ўқувчига мўлжалланган маиший хизмат кўрсатиш коллежи қурилишини бошлаб юборганмиз. Бугунгача йиллик режадаги 40 миллион сўмлик ишни бажардик. Йил охиригача эса бу кўрсаткични 70 миллионга кўтариш ниятимиз бор.

лага кирган. Икки минг нафар теримчи ва 22 та машина кучи билан кунга 380 тонна жавоҳир ўғитирилмоқда. Айниқса, Рашид Рўзиев, Ҳамро Сафаров етакчилик қилаётган ширкатлар кунга режага нисбатан 6-6,5 фоиз миқдорда пахта тайёрлаётди.

ТЕРИМ АВЖИДА



"Жейнов" ширкат хўжалиги давлат қабул пунктига 6700 тонна пахта топшириб, Усмон Юсулов туманида биринчи бўлиб режани бажаради. Айни кунларда ҳам хўжалик далаларида ўғитим-терим авж пал-

нига ўз агрегати бунзиш иштиёқида жавкердан 16 тонна жагон уришяпти. Ҳўжалик аъзолари режани 150 фоизга етказиб, Камола БАРОТОВА, Зебо КУРБОНДУРДИЕВА

"Туркистон"га мактуб

Мен турмуш ўртоғим Бозор Маткаримов билан кўп йиллардан буюн биргаликда эл-юрт хизматида бўлиб келмоқдамиз. Тўққиз фарзандни воёга етказиб, уйли-жойли қилдик.

қисис иш қўриб чиқилган ва ўғлим Э.Маткаримов номига Ўзбекистон жамоа хўжалигидан 1985 йил 23 апрелда берилган, ҳозирда қурилмадан ер-уластикдан улаган ажратиб бериш тўғрисида ҳукм чиқарилган. Боғот туман судининг ўзи дунёга келтирган икки норасида болани отаси — ўғлим қарамоғида ташлаб кетгани (фарзандидан кенган онани аёл дейишга ҳам тил бормайди), кейин эса сўзи ўтадиган одамлар орасидан "жимоячи" топиб, бизнинг ҳалол меҳнатимиз

ган уйга пропискага кирган. Бундан мутлақо на қизимнинг, на бизнинг хабаримиз бўлган. Шу оддийгина, арзимасдек туюлган қонун бузилиши ундан кейинги қанча-қанча дилхирадикларни келтириб чиқарди. Қизик, С.Султонова қизим-яширинча пропискага киргани бизга маълум.

Ташкентский городской муниципальный биржевой центр проводит 27 октября, 10 ноября 2000 года в 10 часов аукционные торги. На торги выставляются: Земельные участки под индивидуальное жилищное строительство, передаваемые в пожизненно наследуемое владение граждан, площадью 400 кв.м. расположенные по ул. Буюк Ипак Йули М.Улугбекского района, стартовая цена одного земельного участка 661123 сум; по ул. Хусанбаева М.Улугбекского района, стартовая цена одного земельного участка 511123 сум; по ул. Заркайнар Шайхонтохурского района, стартовая цена одного земельного участка 673347 сумов; по ул. 1 пр. Аккурганский М.Улугбекского района, стартовая цена одного земельного участка 553347 сумов; по ул. Хуришда Шайхонтохурского района, стартовая цена одного земельного участка 553347 сумов.

Ёшлик бахслари

Нега шоирнинг шеъри билан шахси икки хил бўлиши керак, ҳайрон қоласан киши?!

Кизларга севги изҳор қилиб юрадиган бир шоирнинг шеърлари республика газеталаридан бирида эълон қилинди. Уқидик, дўстимизни ҳамма калака қилди, оҳ-воҳларини ҳеч ким жиддий қабул қилмади. Шахс билан шеър ўртасида мутаносиблик йўқ, дейишди.

Уша дўстимнинг хонасида шоир дўстлар тез-тез йиғилишиб турарди. 3-4 шеър ёзганман, мени ҳам тақлиф қилишди. Кирдим. Хона тугунга тўлди, димомимга тамаки билан спирт хиди урилди. Қуюқ тутун орасида стол муштаб "Миллат, Ватан" деб бақирди бир шоир. Кейинчалик китобини варақлаб чиқдим. Китоб севги билан лиммо-лим. Сархушиқда у ватанпарвар экан, шекилди.

Ғоясини йўқотган ёзувчи бахтиёрми?

Ёш ижодкорлар билан учрашувда таниқли ёзувчи "нимани ёзишни билмай қолдим, ғоя йўқолди", деб ўқинди. У кишининг фикрини ҳазм қилиш қийин. Бугун ғоя ўзгарди, янгича, яъни аниқ шаклга кирди.

Шеър ёзаётган шоир бугун ўз дардини ўқувчи олдига дастурхон қилиб тўшайди — у ёлғиз, ишқ-талаб, бир ёр кидиради, болиши бўш. Баъзан

"Мени кутқаринглр", деб дод солади ўқувчига. Ёри ташлаб кетди. Бунга қўшни йигит айбдор. Энди ўзи бир умр шеър ёзиб ўтмоқчи. У бахтсиз, лекин мард! Кўшнисига

одимлармиди? Шеърларида Алишернинг шахсий туйғулари "лирик қахрамон" бўлса, бугун инсониятнинг умумий мулкига айланармиди бу шеърлар?! Ёки Абдулла Орифнинг

ни ёзишни билмай қолиш ғоянинг йўқолганлиги эмас, йўқотилганлигидир. Ахир, ҳақиқат ҳамиша излаган топилди. Энг улуг ғоя ҳақиқат эмасми?! Ёзувчи ғояни йўқотиб қўйди —

ёлгонни ёзиш. Гераклит бахтни "ҳақиқатни айта билишдир", деб тушунган. Табибнинг олдига асал еб дардга чалинган болани келтиришибди. "Асални кўп истеъмол қилар экан-да,

лишингиздан бир кун олдин асал еган эдим. Болангизга "асал ема" десам, таъсир қилмас эди. Шу сўз таъсири учун қирк кун мен ҳам асал емаслигим керак эди", деган экан.

Шоир қирк йил яшаган бўлса, ҳақиқатни айтиш учун қирк йил ҳам ёлгондан парҳез қилган бўлиши керак. Йўқса унинг ҳақиқати га ҳеч ким ишонмайди. Журналист ёлгонни қўшиб битта сўз ҳам ишлатмаслиги шарт. Йўқса, ҳеч ким қаламни ҳақиқат сўзи билан ёнма-ён ишлатмайди.

Гераклит тушунган бахтиёрликни ҳамма бахт деб қабул қилиши мушкул бўлар. Ёже Лец бир сўзда айтолмаганини иккинчи сўзга қолдирмаганлар кўпдир ҳойнаҳой. Табиб каби сўзни тили билан эмас, бутун ҳужайралари билан айтиш мушкул туюлиши мумкин. Шахсининг "мен"га айланиши қийин кечар бугунги ёзувчи, шоир учун. Журналистда танқиддан кўра мақтовни ёзиш осондир...

Лекин "шеъри билан шахси бир эди" эпитрофи ҳар бир шоирга нисбатан айтилишини хоҳлардим. Ҳамма журналистнинг қалами ҳақиқат билан чарчланса эди.

Ақбар ЖОНУЗОҚОВ

"МЕН"НИНГ МАНЗАРАЛАРИ

Таниқли шоир Шавкат Раҳмон вафот этганда, адабий доираларда бир эпитроф пайдо бўлди: "Шеъри билан шахси бир одам эди"...

бахт тилайди. Адабий танқид эса... "туйғуни, ботинни англашга, тахлилга киришиш" деб ёзади. Ҳар қандай туйғу, ахир, тахлил объекти бўлмайди. Ҳеч бўлмаганда у хонадан маҳаллага чиқсин. Шахсий дарддан сал тепароққа кўтарилсин. Бетартиб, англамаган туйғулар оқавасини мақсадли йўналишга буриб, озгина тарбия бели-

"Биринчи муҳаббатим" шеърини муаллифнинг шахсан ўзига тегишли дейишга розимисиз?

Таниқли ёзувчи Станислав Ёже Лец "Мен инсониятга бир сўз айтмоқчи эдим, аммо бунга эришолмагач, ёзувчи бўлиб кетдим", деб ёзган эди. Ёже Лецни сўз масъулияти янада оғирроқ масъулиятга — ёзувчиликка етаклади.

галати парадокс. Гомер ғоя топиб олганмиди? Толстой ғоя кидирганми Россия бўйлаб? Айтматов-чи, янги ғоя яратдимми?

ҚАЛАМНИНГ СИНОНИМИ — ҲАҚИҚАТ

Қадимги Грецияда ҳақиқат ёзувчиларнинг маъбудиди бўлган экан. Осийлик саналган экан

қирк кундан кейин келинг", деб болани қайтариб юборибди табиб. Қирк кундан кейин бола келтирилганда, табиб болага: "Энди асал ема, ўғлим", дея тайинлабди. Бола касалдан фориг бўлгач, ташаккурга келган ота: "Ушандаёқ шу сўзни айтсангиз бўларди-ку, болани қирк кун қийнамасдан", деб ўпкалабди. Табиб: "Ўлгингизни олиб ке-

Каламак

райлик. Токи шахсий "мен" ижтимоий "мен" даражасига чиқсин. Айтинг-чи, Навойи лоақал Хирот чегарасида фикрлаганда унинг шеърлари Мовароуннахрга

У битта сўзни айтиб бўлгач, ҳаёт иккинчисини, учинчисини қўяверади, ниҳоят, сўз масъулияти — ҳақиқат уни ёзувчи қилиб тарбиялади. Демак, нима-



Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат

TV МАКТАБДА

Тошкент вилояти Оқтош қишлоғидаги 11- мактабга ташриф буюрганимизда синфхоналарда дарс бўлаётган экан.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг бир гуруҳ вакиллари нега айнан шу мактабга йўл олишди? Ушбу мактабни Телерадиокомпания ўз оталигига олган бўлиб, мактаб кутубхонасини керакли китоблар билан таъминлашда асосий ҳоми й хисобланади.

Мактабга ташриф буюрган "Ёшлар" телеканалнинг бош директори Хуршид Даврон мактаб ўқувчиларига: "Тез кунларда сизларнинг севимли кўрсатувларингиз ижодкорларини мактабингизга олиб келиб, учрашувлар ташкил этадиз, ўзларингиз ҳам шу кўрсатувларда қатнашиб, фикр-мулоҳазаларингизни бил-

дирасизлар" деди. Шоир Абдували Қутбиддин эса: "Ҳаёт — бир нафас олгунчалик мuddат. Кўз очиб юмгунча мактабни битирасиз. Ёшликнинг, бегуборликнинг қадрига етинг", - дея мактаб хотираларини эсга олди.

Шундан сўнг, меҳмонлар мактаб кутубхонасига йўл олишди. Кутубхонага киришимиз билан қўзимиз китоб ўқиб ўтирган ўқувчиларга тушди. XXI-аср салоҳиятли, комил авлодлар асри бўлади.

Бугун ёшларга давлат томонидан берилаётган эътибор эртага ўз мевасини беради.

Гулноза ХУСАНОВА, "Давр"информацион дастури муҳбири

XX АСР ЎЙЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ўтаётган асрдаги сўнги — «Мингйиллик саммити» XX асрга ўзига хос хотима асади.

Агар ҳар қандай асрнинг, йилнинг баҳоси инсон эҳтиёжларини қай даражада қондира олганлиги билан ўлчанса, "XX аср инсониятга нима берди?" саволини беришга ҳақлимиз.

Тан олиб айтиш керакки, XX аср қиёфаси катта мамлакатлар манфатларининг, турли сиёсий қучларнинг тўқнашуви, ўзаро мухолифлик муносабати билан ҳам белгиланади. Жаҳонда совуқ муносабат, икки кутб сиёсати ҳукм сурди. 80-йилларнинг иккинчи ярмида халқаро муносабатларда ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамкорликка ўтиш бошлангач, социалистик дунё етакчилиги, ўз ичига ўраниб олган ёвуз империя

Хаяжон

— СССР инқирозга юз тутиб, мушакил давлатлар пайдо бўлди. Ўзаро ишонсизлик, хавфсизраш ва душманлик кайфияти барҳам топиб, унинг ўрнида яхши қўшничилик муносабатлари қарор топа бошлади. XX аср кишиси моддий тараққиёт бобида қанчалар юксакликка кўтарилган бўлмасин, ажодлари сингари КОМИЛ ИНСОН бўла олмади — руҳоният бобида оқсади.

Кеча инсоният XX асрга комил бўлиш илжинида қадам қўйган эди, Тилагим, инсоният янги мингйилликка ана шундай улугвор мақсадлар билан қадам қўйсин!

Шўхрат ОРИФ, талаба

ТУЛЛАРТА БЕРМАТАН ҲН ЕЛТИ ИШИ



Юрагимда соғинч ва ўкинч, Болалгим қайтасан, қайда? Қад кўтардим мисли мажнунтол, Изларингни йўқотган жойда.

Кўрмаганман, жуда кўп бўлди, Соқлариди капалак қизни. Шўхликларим каби буй чўзиб, Ниғоҳимда ўсган ялғизни.

Мен чарчадим, катта бўлишдан Болаликка қайтгим келади. Ёлгон-яшиқ чўпчакларимни Қулиб, йиғлаб айтгим келади.

Сенга чўзсам етмайди қўлим, Кимга айтиб, айтгим зоримни. Юрагимдан тўкиб солардим, Бисотимда борим-боримни.

Унутганман, ҳатто қулишни, Айрилганман сендай дуримдан. Уша битта қулгинг-чун сўзсиз Мен кечардим, қолган умримдан.

Тухфа

Богимда фарқ пишар етилиб, Олтиндай товланиб олмадар. Бир эмас, бир дунё ер эдим, Айтганим, айтгандай бўлса гар.

Чўпчаклар ғам тортар кўнглимга, Чўпчакдан чўпчаклар айтманг сиз. Хоҳ инон, инонмай, онажон, Бағримга барибир қайтмайсиз.

Болалик тилида сўзлаш мен билан, Болалик кўзи-ла кўрай дунёни. Эгулик истаيمان фақат ҳаётда, Кўш деб кўзимга суртай дунёни.

Тошлардан-тошларга урилсин, майли, Хали хом пишмаган, телба гўр бошим. Мен сени соғиндим, соғиндим жуда, Гулларга бермаган ўн етти ёшим.

Мовий осмонимга турналар мисол, Бағримни тўлдириб униб келсалар. Жаннат деб қулардим кемтик дунёни, Мажнун деб одамлар, майли, қулсалар.

Барига чидайман, чидайман, танҳо, Сабримдан тошлар ҳам қулга айланур. Мен севсам юракдан, чиндан севаман, Ишқимдан тикан ҳам гулга айланур.

Муҳаббат тилида сўзлаш мен билан, Ўйқудан уйғотсин булбул ноласи. Ҳақлидир бир қарра келиб дунёга, Бахт учун яралса инсон боласи.

Манзура ТҮРАЕВА

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Республика ёшларининг "Қамолот" жамғармаси ва "Туркистон" газетаси "Ёш тадбиркорлар — ёшлар қаноти" мавзуида мақолалар танловини ўтказди.

Танлов 2000 йил 15 августдан 31 ноябрга қадар давом этади. Танловга юборилган мақолалар сараланиб, газета саҳифаларида ёриштирилади ва танлов ҳайъатига тақдим қилинади. Мақолалар 2 интервалда 5 бетдан ошмаслиги керак.

Танлов мукофотлари: 1-мукофот энг кам иш ҳақининг 10 баробари 2-мукофот энг кам иш ҳақининг 8 баробари 3-мукофот энг кам иш ҳақининг 6 баробари

Муаллиф учун: Энг кам иш ҳақининг 5 баробари Энг кам иш ҳақининг 4 баробари Энг кам иш ҳақининг 3 баробари

Танлов тадбиркорлик соҳасида иш олиб бораётган янги номларни кашф этишига ишонамиз. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, "Туркистон" газетаси.


Turkiston newspaper logo and address information.

Editorial and administrative contact information.

Subscription and distribution information.

Сизга зарур китоблар

ХАЛҚ ТАЯНАДИГАН КУЧ



Яқинда отам ишдан қайтиб, қўлимга бир неча рисолаи тўтқоздилар-да: "Бир кўриб чик, ўғлим, яхши гаплари кўп", - дедилар. Рости, бошида бу китобчаларни кўздан кечирканман, уларда бунчалик мўл маъно борлигини ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Бобокалонимиз Имом Мотуридидий меросининг моҳияти, миллий мафкура, ислом ва маънавият, диний экстремизм ва фундаментализм каби масалалар кўтарилган "Воизга ёрдам" туркумидаги бу маъруза матнарида олам-олам давом бўлиб, улар ғоят халқона, содда тилда баён қилинганки, рисолаларни қайта-қайта ўқиб чиқишга ўзимда иштиёқ сездим. Чунки бу муъжаз китобчалар ёшларга динни тўғри жиҳаддан тушунириб, уларни мушакил фикрлашга, энг муҳими, эгри йўللари келтаб ўтишга ўргатади. Китобчалардан бири ислом тарихига бағишланган бўлиб, унда буюк бобомиз Имом Мотуридидий ва ул зоти муборак замонида исломнинг тугган ўрни ҳақида сўз боради.

У кишининг ўн бешга яқин асарлари ичида "Китоб атакхид" — калом илмига бағишланган энг дастлабки асар хисобланиб, унда баъзи диний оқимларнинг нотўғри қарашлари танқид қилинади.

Умуман, "Имом ал-худа" (ҳидоятга бошловчи имом) деб эъзозланган бу зот муборак ислом динини бир томонлама, нотўғри талқин қилган айрим оқимларга қарши жасорат билан курашган, динимиз сайқалига сайқал, ривожига ривож қўшган. Истибод замоналарида номини тилга олиш ҳам мушкул бўлган мутақаллим бобомиз Имом Мотуридидий ҳақида рисола муаллифи, шарқшунос олим Убайдулла Уватов яна жуда кўп сара маълумотларни келтирган.

"Ислом ва маънавият" деб номланган бошқа бир рисолада ислом динида эпитроф этилган йўналишлар, ақидалар, шунингдек, эпитроф этилмаган маънавият ҳамда ҳозирги диний-сиёсий партия ва оқимлар ҳақида сўз боради.

Муаллиф Зухриддин Хусниддинов ҳар бир диний оқим ва унинг асосчиларини санаб, оқимнинг бош ғояси, унинг келиб чиқиш тарихи ва у кенг тарқалган жойларни алоҳида тавқиллаб ўтади. Ваҳобийлар, акромийлар, "нур"чилар каби диний жамоалар ўртасидаги фарқ ҳамда улар олдига қўйган мақсадлар билан ўқувчини яқиндан таништиради.

Шу ўринда яна бир масала одамни чуқур мушоҳадага ундайди. Бунга мисол ўларок, ўтган йилнинг февраль ойида Тошкентда, қолаверса, яқин кунларгача мамлакатимиз жануби — Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сарисий туманларида рўй берган муҳиж воқеаларни эсламоқ кифоя. Бу воқеаларнинг қурбони баландпарвоз ваъдаларга алданиб қолган ёшларимиз эмасми? Ҳўш, асосий ёшлар нобоп йўлларга кириб қолаётганининг асосий сабаби нима? Кимларнингдир ногорасига ўйнаётган, ғаламис кимсаларнинг касофати қўқан ёшларимиз бекорчиликдан, ишсизликдан, қолаверса, ледидликдан, билимсизликдан бу йўлга кириб қолганлар, десам ҳақиқатдан йироқ бўлмас. Маълум маънода манкурт ҳолига тушган бундай ёшларимизни ёмон йўллардан қайтаришнинг ягона чораси — миллий маънавият ва маърифатни улар онгига теран синдириш, уларда эл-юртга нисбатан меҳр уйғотишда деб биламан. "Дарҳақиқат, муборак номларни бутун ислом дунёси экзекуш эҳтиром билан тилга оладиган Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий, Абдулоқил Ғиждувоний, Замаҳшарий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби пири қомилларни етиштириб чиқарган замин фарзандларини ҳеч қандай куч ҳеч қачон ҳидоятдан залолатга бура олмади", - дея масалага нуқта қўяди муаллиф.

Дин, диний экстремизм ва фундаментализм мавзуси Юртбошимизнинг "Ўзбекистон XXI аср бугунга қадар: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари" китобида атрафолича очиб берилган бўлса-да, навбатдаги рисола ҳам айнан шу масалага бағишланган. Унда айрим фарзандларни кимсаларнинг дини никоҳ қилиб олиб, аслида, ҳоқимиятни эгаллаш мақсадида олиб бораётган кўпурчилик ишлари аниқ далиллар асосида қораланади.

Рисола муаллифи Баҳоудин Ирисов Ўзбекистоннинг бугунги шароитида ислом экстремизми ва ақидалараслигининг таҳдиди айнан қандай жоҳилона ва разил ҳаракатларда намён бўлаётганлиги ҳақида мулоҳаза юритади. Маъруза матни сўнггида "Ваҳобийлик" деб аталмиш диний оқимнинг келиб чиқиши ҳақида аччиқ ва очиқ тарихий ҳақиқат келтирилган.

Миллий мафкура нима? Миллий ғоя-чи? Бу икки ўта муҳим тушунча маънавият ва маърифат тушунавлари билан қандай боғланади? Дин, қонун, миллий анъаналар, замонавийлик, демократия ва миллий мафкура вобасталиги айнан нималарда кўринади?

Бундай ниҳоятда долзарб масалаларга Султонмурод Олимнинг "Миллий мафкура — халқ таянадиган куч" китобида ойдинлик киритилган. Рисола бошида тўрт муҳим сўз — "маънавият", "маърифат", "ғоя" ва "мафкура" ҳақида фикр юритилади. Аждодлар ёди — муқаддас, дегаларидай, Навойий шунос олим Темурийлар даврини ҳам эсга олади. У ўша замон мафқурасининг буюк асосчиларидан бири Алишер Навоий ҳазратлари ижодининг уч мафқуравий асосини бутун халқимиз тафаккурига синдиришимиз, шу тариқа ўз миллий мафқураимизни мушаккамлаб боришимиз керак, деб хисоблайди.

Муҳаммадҷон Куроновнинг "Мафкура, таъсирчанлик ва услуб" рисоласи биз ҳозиргина танишиб ўтган маъруза матнини мантқан давом эттириб, унда мафқуравий тарғиботда таъсирчанликка эришиш учун қандай йўл-йўриқлар қўлламоқ кераклиги хусусида сўз боради. Бошқача қилиб айтганда, "Маънавият ва маърифат" маркази, унинг вилоятлардаги бўлимлари олиб бораётган ишлар, миллий ғоя ва миллий мафқураимизни шакллантириш борасида ўтказилаётган тадбирлар қай даражада ўз самарасини берапти, одамларнинг маънавияти ва мафқураси қай даражада ўзгаряпти деган масалаларда ижобий натижага эришимиз йўл-йўриқлари ҳақида мулоҳаза юритилади.

Мана, отам менга берган китоблар мазмуни билан қисқача танишиб чиқдик. Тенгдошларим, дўстларим, энди сиз уларни китоб дўконларидан, кўча-кўйлардаги ёйма расталардан қидиришингиз керак. Аминманки, улар сизу бизнинг комил инсон бўлиб етишимизда яқиндан ёрдам беради.

Сардор АЪЗАМ